

"Хайр боғчам-салом мактаб"



Айни кунларда туманимиздаги мактабгача таълим муассасаларида "Хайр боғчам, салом мактаб!" тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Қумкўрғон туманидаги 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Тадбир муассасанинг 7 ёшга тўлиб, жорий йилда мактаб таълимига чиқадиган болажонлар иштирокида бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов, вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи Жуманазар Нормўминов, муассаса ходимлари ва ота оналар иштирок этдилар.

Шунингдек, тадбир давомида болажонлар томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилди.